



«АММОФОС-МАХАМ» АЖнинг коррупцияга қарши СИЁСАТИ



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Комплаенс хизмати мутахассиси
Р.Ж. Матёкубов

КЕЛИШИЛГАН

Комплаенс хизмати бошлиғи

А.А. Абдубоисхўжаев

Юридик шартномалар бўлими
етакчи юрисконсулти

У.Т. Эргашев

Бош ҳисобчи

И.С.Хамзаев

Бошқарув аъзолари:

Ф.З. Шакиров

Б.Б. Содиков

Ж.Ю. Юсупов

А.В.Маннапов

Молия директори в.в.б.

Н.М. Мирсаитова

Сифат бошқариш вакили

Н.В. Волынскова



Ҳужжатнинг хос рақами

С 00203074-48-01:2022

Таҳрир

1

Амал қилиш муддати

дан гача

Узайтирилди

гача

Мундарижа

	Ўзгартиришларни рўйхатга олиш varaғи.....	3
1	Асосий қоидалар.....	4
1.1	Умумий қоидалар.....	4
1.2	Сиёсатнинг мақсади.....	4
1.3	Сиёсатнинг ҳуқуқий ва услубий асослари.....	4
2	Қўллаш соҳаси.....	5
3	Термин ва қисқартмаларнинг таърифи.....	5
4	Коррупцияга қарши ҳаракатнинг муҳим тамойиллари.....	7
4.1	Коррупцияга «тоқатсизлик» тамойили Коррупцияга «тоқатсизлик» тамойили.....	7
4.2	Қонунийлик тамойили.....	8
4.3	Коррупцияга қарши тадбирларни амалга оширишда олдини олиш, тизимлилик ва яхлитлик тамойили.....	8
4.4	Ошкоралик ва шаффофлик тамойили.....	8
4.5	Тегишлича эҳтиёткорлик тамойили.....	9
4.6	Жавобгарлик ва жазони муқаррарлик тамойили.....	9
4.7	Махфийлик ва жавоб чораларини рад этиш тамойили.....	9
4.8	Коррупцияга қарши ҳаракат тизимини доимий такомиллаштириш тамойили.....	9
5	Коррупцияга қарши ҳаракат тизимини таркибий қисмлари.....	9
5.1	Коррупцияга қарши ҳаракат бўйича энг муҳим хужжатларни мавжудлиги.....	9
5.2	«Юқоридан қуйиға муносабат».....	9
5.3	Коррупция хавф-хатарни идентификациялаш ва баҳолаш.....	10
5.4	Коррупцияга қарши тартиб-таомиллар.....	10
5.5	Коррупцияга қарши масъул шахс ва бўлимларни мавжудлиги.....	10
5.6	Хабардор қилиш, алоқада бўлиш ва маслаҳат бериш.....	11
5.7	Коррупцияга қарши масалалар бўйича мониторинг қилиш, назорат қилиш ва ҳисобот.....	12
5.8	Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва жавобгарликга тортиш.....	13
5.9	Коррупцияга қарши тамойилларни ва бажариладиган иш тартибини таркибий тармоқларига етказиш.....	13
6	Коррупцияга қарши тадбирлар.....	14
6.1	Манфаатлар тўқнашувини бошқариш.....	14
6.2	Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар.....	14
6.3	Давлат органлари, корхоналар ёки муассасалар ва давлат мансабдор шахслари билан ўзаро алоқалар.....	15
6.4	Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари.....	15
6.5	Сиёсий фаолиятни молиялаштириш.....	16
6.6	Хайрия ва хомийлик.....	16
6.7	Кадрларни танлаш, хизматда қўтариш, моддий рағбатлантириш.....	17
6.8	Ҳисобни юритиш.....	17
7	Қоида бузарликлар тўғрисида хабардор қилиш.....	17
8	Ходимларга маслаҳат бериш.....	18
9	Ўзгатиришлар киритиш тартиби.....	18
	Танишув varaғи.....	20

Ўзгартиришларни қайд этиш варағи

Ўзгартиришнинг т/р	Варақлар рақами (бет)				Ҳужжатдаги жами варақ (бет) сони	Ҳужжатнинг рақами	Бирга юборилган ҳужжатнинг т/р	Имзо	Сана
	Ўзгартирилган	Алмаштирилган	Янги	Олинган					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

1 Асосий қондалар

1.1 Умумий қондалар

1.1.1 "Аmmofoс-Mахам" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда **"Жамият"** деб юритилади) молиявий-хўжалик фаолиятининг доимо бир ҳолда ахлоқий, виждонан ва ижтимоий юқори стандартларга риоя қилиб, коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва процедураларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва амалга ошириш устидан кейинги назоратга алоҳида эътибор берган ҳолда иш юритишга интилади.

1.1.2 Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати (кейинги ўринларда **"Сиёсат"** деб юритилади) - коррупцияга қарши кураш тизимининг асосий тамойиллари ва таркибий қисмларини, шунингдек коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгиловчи ва қўлланилиши мумкин бўлган амалдаги халқаро коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормаларига ходимлар томонидан риоя қилишга қаратилган Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатиدير.

1.1.3 Жамиятнинг коррупцияга қарши ташаббуслари қуйидагиларга қаратилган:

- коррупциянинг олдини олишга;
- коррупцияни аниқлаш, барҳам бериш ва текширишга;
- коррупция ҳаракатлари натижасини минималлаштириш ва бартараф этиш.

1.2 Сиёсатнинг мақсадлари

1.2.1 Ушбу Сиёсат қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

- Жамиятнинг коррупцияга қарши "нол тоқат" тамойилига содиқлигини тасдиқлаш;
- Жамиятда ҳар қандай коррупция ҳаракатларининг рад этилиши ва йўл қўйилмаслиги тўғрисида корпоратив маданиятни яратиш ва сақлаш;
- Коррупцияга қарши хатарларни камайтириш мақсадида Жамиятнинг коррупцияга қарши тамойиллари ва талабларини фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома томонлари ва кенг жамоатчилик томонидан англаш;
- Жамият ва унинг ходимларининг коррупция фаолиятига жалб қилиш хавфини минималлаштириш бўйича тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва чора-тадбирларини умумлаштириш.

1.3 Сиёсатнинг ҳуқуқий ва услубий асослари

1.3.1 Ушбу Сиёсат қуйидаги меъёрий ҳужжатлардаги принциплар ва меъёрларга асосланади:

- 2017 йил 3 январдаги 419-сонли Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунига;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда Нью-Йоркдаги БМТ Бош ассамблеясининг 58-сессиясининг 51-ялпи мажлисида 58/4 қарори билан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенциясига;
- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 1997 йил 21 ноябрда Истанбул шаҳрида қабул қилинган Халқаро тижорат операцияларида хорижий мансабдор шахсларнинг пора олишига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига.

1.3.2 Сиёсатнинг методология асослари:

"Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари - фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар" - ISO 37001:2016 Халқаро стандартидир.

2 Қўллаш соҳаси

2.1 Ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талаблари, ходимларнинг эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар барча учун риоя қилиниши шартдир.

2.2 Ҳар бир ходим, шу жумладан, Жамият бошқаруви аъзолари, Жамиятга ишга қабул қилишда ва ушбу Сиёсатда назарда тутилган бошқа ҳолларда, ушбу Сиёсат билан имзо қўйиб танишишлари ва унинг қоидаларига риоя қилишлари шарт.

2.3 Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари ушбу Сиёсатга зид бўлмаслиги керак. Зиддият юзага келганда ушбу Сиёсат устун келади.

3 Термин ва қисқартмаларнинг таърифи

3.1 Киритилган атамалар ва таърифлар:

Акциядор - давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзкимёсаноат” АЖ (51% улуш билан) ва “Maxamcorp International S.L.U” корпорацияси (49% улуш билан).

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қўшимча шарт - Жамиятнинг шартномаларига киритилган махсус қоидалар, улар томонларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларини бажаришни зиммаларига юклайди.

Яқин қариндошлар - Ходимнинг қариндошлари ёки қуда-андалари бўлган шахслар, яъни ота-онаси, туғушган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, турмуш ўртоғи, болалари, шу жумладан асраб олинган болалари, боболари, бувилари, набиралари, шунингдек турмуш ўртоқларнинг ота-онаси, туғушган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари ҳисобланади.

Давлат мансабдор шахси бу:

- Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятида тайинланадиган ёки сайланадиган лавозимни эгаллаган ҳар қандай шахс;
- Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлат учун, шу жумладан давлат органи, корхона ёки муассаса учун давлат вазифаларини бажарадиган ҳар қандай шахс;
- ҳар қандай мансабдор шахс ёки халқаро ташкилот вакили;
- сиёсий арбоблар, сиёсий партиялар мансабдор шахслари, шу жумладан сиёсий лавозимларга номзодлар.

Давлат функциялари - давлат томонидан ваколат берилган ва давлат манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият, масалан, давлат харидлари билан боғлиқ.

Давлат органлари, корхоналар ва муассасалар - давлат ҳокимияти органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан вазирликлар, хизматлар, агентликлар ва идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган барча юридик шахслар.

Тасдиқланган хабар - Жамият ёки унинг ходимлари билан боғлиқ бўлган Коррупция ҳаракатлари тўғрисидаги мавжуд бўлган каналлар орқали ходимнинг ёки бошқа шахснинг хабари, унда бундай ходим/шахс ўзи тақдим этган маълумотларнинг асосланганлигига чинакам ишонч ҳосил қилса.

Иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари - Ходимлар манфаатларини кўзлаб, иш олиб боришда ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ учинчи шахсларнинг харажатлари, шу жумладан учинчи шахсларнинг ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқатлар, транспорт ва яшаш харажатларини, кўнгил очар тадбирларни коплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

контрагент (шартномавий шерик) – Жамият билан шартномавий муносабатларга (ходимлар бундан мустасно) киришган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан унинг филиали ва/ёки ваколатхонаси).

Махфий маълумотлар - бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки ушбу маълумот эгасининг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиши, қайта ишлаши, узатиши ёки фойдаланилиши чеклаб қўйилган ҳар қандай маълумот, шу жумладан:

- **Давлат сир** - давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган Ўзбекистон Республикасининг алоҳида аҳамиятга эга, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлари;

- **Тижорат сир** — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлик билан Жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Коррупциявий ҳаракатлар:

- Жамият учун ноўрин устунлик қилиши, шу жумладан тижорат мақсадларида давлат мансабдор шахсига (пора, порахўрлик), тижорат ташкилотининг вакилига (тижорат пора) ёки бирон-бир бошқа шахсга унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) таъминлаш мақсадида ва ўз расмий вазифаларини номувофиқ тарзда бажаришга ундаш учун қонунга хилоф фойдани таклиф қилиш, ваъда бериш, рухсат бериш, бериш.

- расмийлаштиришни осонлаштириш учун тўловларни амалга ошириш;

- ходим томонидан ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиб ҳар қандай шахсдан қонунга хилоф равишда фойда олиши ёки фойда олишга розилик бериши, талаб қилиши, тўвламачилик қилиши ёки илтимос қилиши, шунингдек эгаллаб турган мансабини, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, ҳамда Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлган ўзи учун ёки учинчи шахснинг манфаатларини кўзлаб ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиб бошқа фойда олиши;

- пора ёки тижорат пора олишда воситачилик қилиш, шу жумладан ноқонуний нафни олувчига бериш, олувчига ёки воситачига ноқонуний нафни олиш ва бериш тўғрисида келишувга эришишда ёки амалга оширишда ёрдам бериш;

- таркибида коррупция аломатлари бўлган ёки унинг содир этилишига ҳисса қўшадиган ходимларнинг бошқа ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви намоён этилиши.

Коррупция - шахс томонидан ўзининг шахсий манфаатлари ёки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз мансаби ёки хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши, шунингдек бундай имтиёзларни қонунга хилоф равишда тақдим этиши.

Шахсий манфаатдорлик - Ходимнинг ва/ёки унинг яқин қариндошлари томонидан пул маблағлари, бошқа мол-мулк, бойлик, шу жумладан мулкый ҳуқуқларни, мулкый тусдаги хизматларни, бажарилган ишларнинг натижаларини ёки бошқа кўринишидаги фойдани (имтиёзларни) олиш имконияти билан боғлиқ ходимнинг ўзи ва/ёки унинг яқин қариндошининг манфаатдорлиги.

Халқаро ташкилот - ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъи назар, давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, шу жумладан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

Конунга хилоф наф (фойда) олиш - қонуний асосларсиз ваъда қилинган, таклиф қилинган, тақдим этилган ёки олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқлар, афзаликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда.

Жамият – “Аммофос-Максам” Акциядорлик Жамияти.

Расмийатчиликни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган стандарт тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкрий ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф.

Сиёсат - Коррупцияга қарши курашишнинг мазкур сиёсати.

Қўлланиладиган коррупцияга қарши қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва Жамият ўз фаолиятини юритадиган ҳудудидаги давлатнинг коррупцияга қарши қонунчилиги.

Коррупцияга қарши курашиш тизими - ушбу Сиёсатнинг 5-қисмида кўрсатилган, коррупцияга қарши қаратилган ўзаро боғлиқ элементлар тизими.

Ходимлар - мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун ушбу таърифга улар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида ўз вазифаларини бажарадиган Жамиятнинг ходимлари ҳамда Жамият бошқаруви аъзолари қиради.

3.2 Амалдаги, аммо ушбу Сиёсатда белгиланмаган атамалар Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ишлатилган маънода қўлланилади.

4 Коррупцияга қарши ҳаракатнинг асосий тамойиллари

4.1 Коррупцияга «тоқатсизлик» тамойили

4.1.1 Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида, шу жумладан шартномавий шериклар, давлат органлари, корхоналар ёки муассасалар ва давлат мансабдор шахслари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик доирасида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади (коррупцияга «тоқатсизлик» тамойили).

Бу ходимлар учун коррупция ҳаракатларини содир этмаслик мажбуриятини англатади, шу жумладан:

- давлат мансабдор шахсга (пора, порахорлик), тижорат ташкилоти вакилига (тижорат пора) ёки бирон-бир бошқа шахсга унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) таъминлаш мақсадида ва ўз расмий вазифаларини номувофик тарзда бажаришга ундаш учун пул маблағларини ёки бошқа мулкни ёхуд мулкрий ҳуқуқларни, афзаликларни, имтиёзларни, хизматларни, номоддий активларни, бошқа номоддий ёки пул тусидаги барча фойдани таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, ижозат бермаслик, топширмаслик;
- расмийатчиликни соддалаштириш учун тўловларни амалга оширмаслик;
- Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда, хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, ҳар қандай шахслардан пул маблағларини ёки бошқа мулкни ёхуд мулкрий ҳуқуқларни, имтиёзларни, афзаликларни, хизматларни, номоддий активларни, номоддий ёки пул билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар қандай имтиёзларни, шу жумладан юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий қийматликларни ўзига ёки учинчи шахслар учун олиш мақсадида талаб қилмаслик, тўвламачилик қилмаслик, шунингдек олишга розилик бермаслик ёки олмаслик;
- порахўрликда ёки тижорат пора беришда воситачилик қилмаслик, шу жумладан юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий активларни олувчига бермаслик, ёхуд олувчига ёки

олувчига юқорида кўрсатилган моддий ёки номоддий активларни олиш тўғрисида келишувга эришишда ёки амалга оширишда ёрдам бермаслик;

- Ходимларнинг коррупция ҳаракатлар аломатларини ўз ичига олган бошқа ҳаракатларини/ҳаракатсизлигини қилмаслик ёки уларнинг амалга оширилишига (манфаатлар тўқнашуви кўринишидаги) кўмаклашмаслик.

4.2 Қонунийлик тамойили

4.2.1 Жамиятда коррупцияга қарши чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро қонунчилик талабларига мувофиқ ва жаҳондаги коррупцияга қарши илғор амалиётини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига қатъий мувофиқликда амалга оширилади.

4.2.2 Жамият ва унинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек коррупцияга қарши халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл давлатларини (қайсики ҳудудида Жамият фаолиятини юритаётган ёки юритишни режалаштираётган) меъёрий ҳужжатларининг талабларга риоя қилишлари шарт.

4.3 Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги

4.1.1 Жамият коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради.

4.1.2 Жамият коррупцияга қарши чора-тадбирларни ва тартиб-таомилларни юқори даражада шафоф, аниқ, бажарса бўладиган ва аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ оқилона бажаришга интилади.

4.1.3 Коррупцияга қарши амалга оширалаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамият фаолиятининг барча йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган.

4.4 Ошкоралик ва шаффофлик тамойили

4.4.1 Жамият коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган тартиб-таомиллар ва талаблар ҳақида ходимларни, шартномавий шерикларни (контрагентлар), ҳамкорларни ва жамоатчиликни ҳабардор қилади, шу жумладан ушбу Сиёсатни Жамиятнинг расмий Интернет-сайтида ва Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида жойлаштириши ва коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилган асосий чора-тадбирлар ва эришилган натижалар ҳақидаги қисқача маълумотни вақти-вақти билан эълон қилиб боради.

4.5 Тегиншлича эҳтиёткорлик тамойили

4.5.1 Жамият коррупциявий ишларга аралашishi мумкин бўлган шахслар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширилади. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун, ишбилармонлик муносабатларни бошлаш ёки давом этириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, Жамият контрагентларни ишончлилигини текширади. Шу жумладан бундай текширув, контрагентларнинг муносабатлари билан боғлиқ коррупция хавф-хатарларини аниқлашга қаратилган.

4.5.2 Ишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузишдан олдин, Жамият номзодларнинг ишбилармонлик обрўсини, шу жумладан коррупция хавфи ва манфаатлар тўқнашуви йўқлигини текширади.

4.6 Жавобгарлик ва жазони муқаррарлик принципи

4.5.1 Ходимлар, эгаллаб турган лавозими ва ўзининг мақоми ва бошқа омиллардан қатъи назар, ушбу Сиёсатнинг ва амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва тамойилларига риоя қилишига шахсан жавобгардир.

4.7 Махфийлик ва жавоб чораларни рад этиш принципи

4.7.1 Жамият порахўрликдан ёки амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ёхуд мазкур Сиёсатнинг талабларини бузадиган бошқа ҳаракатлардан бош тортган ходимларга нисбатан ҳеч қандай санкциялар, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, иш ҳақидан маҳрум этиш, камситиш, сиқувга олиш, таъқиб қилиш чоралари қўлланилмаслигини кафолатлайди, ҳатто бундай рад этиш натижасида Жамият тижорат ва/ёки рақобатбардош устунликларга эга бўлмаган тақдирда ва/ёки зарар кўрган бўлса ҳам.

4.7.2 Шунингдек, Жамият Жамиятнинг бошқа ходими томонидан коррупциявий ҳаракатлар ёки ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларини бузилиш эҳтимоли тўғрисида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ҳар қандай жавоб чоралари кўриши мумкин эмас деб ҳисоблайди.

4.7.3 Жамият рухсат этилган алоқа каналлари орқали қоида бузилишлар тўғрисидаги олинган хабарни махфийлигини ва ҳимоясини таъминлайди.

4.8 Коррупцияга қарши ҳаракат тизимини доимий такомиллаштириш тамойили

4.8.1 Жамият коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда оширишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

4.8.2 Жамият ўз ходимларини Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ва чораларни тақлиф қилишга даъват қилади.

5 Коррупцияга қарши ҳаракат тизимини таркибий қисмлари

Коррупцияга қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида, Жамият коррупцияга қарши кураш тизимининг қуйидаги асосий таркибий қисмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратади:

5.1 Коррупцияга қарши курашиш бўйича энг муҳим ҳужжатларнинг мавжудлиги:

5.1.1 Коррупцияга қарши амалдаги қонунчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг илғор чет эл амалиётини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизим негизида ушбу Сиёсатида, Коррупцияга қарши дастурда, иш юзасидан ахлоқ ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатида акс этган тамойиллар ва талаблар ётади.

5.2 “Юқоридан қуйиға муносабат”

5.2.1 Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек таркибий тармоқ раҳбарлари (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар) ўзларини шахсий намуналари билан коррупцияга оид ҳаракатларнинг ҳар қандай шакл ва кўринишига нисбатан ходимларда мурасасиз муносабатни шакллантиришлари ва шу аснода одоб-ахлоқ ва коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” корпоратив маданияти стандартини яратишга ҳисса қўшишлари керак.

5.2.2 Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек таркибий тармоқ раҳбарлари (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар) коррупцияга қарши самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намоён этишлари:

- коррупцияга қарши тизимни тадбиқ этиш ва самарали фаолиятининг умумий жорий назоратини амалга ошириш;
- коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши ва оператив самарадорлиги устидан умумий жорий назоратни амалга ошириш;
- ташқи ва ички алоқа, шу жумладан, қўл остидаги ходимларни коррупцияга қарши курашиш масалалари ва тегишли меъёр ва талабларга риоя қилиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат бериш (шу жумладан вақти-вақти билан баёнот бериш, нашр этиш ва тарқатиш орқали);

- коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш учун зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш.

5.2.3 Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, шунингдек Жамиятнинг таркибий тармоқ (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар) раҳбари лавозимларига илгари ноқонуний ишларга, шу жумладан коррупциявий фаолиятга аралашган шахсларни қўймаслик учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади.

5.3 Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

5.3.1 Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш Методологиясида белгиланган тартибда Жамият, мунтазам равишда (камида ҳар икки йилда бир марта, шунингдек керак бўлганда) коррупциявий хавф-хатарларни хатарларини аниқлаш ва баҳолаш/қайта баҳолаш бўйича тадбирларни амалга оширади.

5.3.2 Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш/қайта баҳолаш доирасида Жамиятнинг ташкилий тузилмасидаги ўзига хос хусуситлари ҳисобга олинади ва фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, шу жумладан, мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайитириш учун етарлилиги жиҳатидан ҳисобга олинади.

5.3.3 Жамият ўз фаолияти олиб бориладиган минтақаларга хос бўлган хавф-хатарларга алоҳида эътибор беради, шунингдек, баҳолашда ривожланиш режалари, шу жумладан инвестиция ва стратегик лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлигини, ҳамда Жамиятнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунчиликдаги, сиёсий, иқтисодий вазиятни ва бошқа омилларни ўзгаришларини ҳисобга олади.

5.3.4 Жамиятнинг тегишли таркибий тармоқ раҳбарлари хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Комплаенс хизматининг фаол кўмаги билан қатнашадилар, бу жараёни мувофиқлаштиради ва баҳолашнинг умумлаштирилган натижаларини тайёрлайди.

5.3.5 Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш/қайта баҳолаш натижалари Жамият Бошқаруви томонидан кўриб чиқиши учун тақдим этилади ва Коррупцияга қарши чоралар ва тамойиларни такомиллаштириш ва тегишли даврга Коррупцияга қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.3.6 Жамиятнинг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига содиқлигини ҳисобга олган ҳолда, коррупция хавф-хатарларини юзага келиш эҳтимоли ва Жамиятга таъсир даражасидан қатъи назар уларни бошқариш зарурлигини тан олади.

5.4 Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари

5.4.1 Хатарларни баҳолаш/қайта баҳолаш натижаларига кўра, Жамият ўз жараёнлари ва фаолиятида аниқланган хавф-хатарларга мутаносиб равишда коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларни тадбиқ этади.

5.4.2 Коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ушбу Сиёсатнинг 6-қисмида кўрсатилган, шунингдек Коррупцияга қарши кураш дастурида акс эттирилган ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

5.5 Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар

5.5.1 Коррупцияга қарши самарали тизимни яратиш учун Жамиятда Комплаенс хизмати ташкил этилади.

5.5.2 Комплаенс хизмати Жамият Бошқаруви раиси ва Кузатув кенгашига бўйсунди.

5.5.3 Комплаенс хизмати ходимлари зарур тажриба ва малакага эга, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини тадбиқ этиш ва такомиллаштиришда, ўз вазифаларини амалга оширишда етарли даражада мустақилликка, ваколатларга ва муҳим ресурсларга эга.

5.5.4 Комплаенс хизмати шу жумладан қуйдаги вазифаларни бажарди:

- Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш;
- Коррупциявий хатарларни баҳолаш натижаларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва умумлаштириш;
- Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Жамиянинг ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича сиёсатини, тартиб-таомилларини, услубий тавсияларини, таклифларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- Ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тўғридан-тўғри ўқитиш;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимларга маслаҳат бериш;
- Коррупция ҳаракатларини текширишда иштирок этиш, шу жумладан ходимларни содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқишда;
- Жамиятда коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятда мавжуд коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва долзарблигини баҳолаш, шунингдек уларни такомиллаштириш чораларини кўриш;
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви учун Жамиятдаги коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ҳисоботларни тузиш;
- қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички қоидаларида белгиланган бошқа ваколатлар.

5.5.5 Жамиятда коррупцияга қарши самарали тизимни шакллантиришда Комплаенс хизматидан ташқари бошқа ходимлар ва таркибий тармоқлар ҳам иштирок этадилар. Коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш учун масъул ходимлар ва таркибий тармоқларнинг вазифалари Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

5.6 Хабардор қилиш, алоқада бўлиш ва маслаҳат бериш

5.6.1 Коррупцияга оид хавф-хатарларни камайтириш, ходимлар ва контрагентлар, шунингдек кенг жамоатчиликни Жамиятда қабул қилинган коррупцияга қарши тамойилари ва талаблари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида, ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги баъзи бошқа сиёсати, Жамиятнинг расмий Интернет-сайтида ва Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида жойлаштирилади.

5.6.2 Жамият коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида Жамият ходимлари ва контрагентларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-ҳаракатларни амалга оширади:

5.6.3 Коррупцияга қарши мунтазам ва тизимли ўқишлар ва тест синовларни қуйдаги ҳолатларда ўтказилади:

- янги ходимлар учун - ишга қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун мобайнида;
- барча ходимлар учун - коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларни керакли даражада ушлаб туриш учун ҳар йили;
- коррупцияга қарши чора-тадбирлар, сиёсат ва тартиб - таомилларда жиддий ўзгаришлар юз берганда - тегишли коррупцияга қарши чоралар, сиёсат ва жараёнлар қўлланиладиган ходимлар учун;
- коррупцияга қарши курашиш тизимидаги камчиликлар, шу жумладан Коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимларнинг етарли билим ва кўникмалари

аниқланмаган бўлса - ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши тамойиллар ва тартибларни бузган ходимлар учун;

- ўқитиш натижасига кўра ва бошқа тегишли ҳолатларда тест синовларидан ўтмаган ходимлар учун;
- коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича махсус тренинглар ва тест синовлари - Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимларни эгаллаган ва коррупцияга қарши назорат функциялари билан боғлиқ лавозимларни эгаллаган ходимлар учун;

5.6.4 Ходимларнинг коррупцияга мурасисиз муносабатини шакллантириш бўйича ва Жамиятда коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказиш;

5.6.5 Жамият, унинг ходимлари ёки контрагентлари ва бошқалар билан боғлиқ коррупция ҳаракатлари (батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 7-қисмида кўрсатилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

5.6.6 Коррупцияга қарши қоидаларни ходимларнинг меҳнат шартномаларига киритиш;

5.6.7 Контрагентларни Жамиятда коррупцияга қарши қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш ёрдамида хабардор қилиш;

5.6.8 Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Жамиятда амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралар тўғрисида брифинглар ўтказиш ва ҳк.

5.7 Коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг, назорат ва ҳисобот

5.7.1 Жамиятда жорий этилган коррупцияга қарши талаблар ва тамойилларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини назорат қилади ҳамда доимий мониторингини олиб боради, шу жумладан:

- Жамият фаолиятидаги ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

- самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида сайланма равишда Жамият тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни доимий мониторинг қилиш (тасдиқланган режага мувофиқ);

- Ходимлар томонидан Жамиятнинг Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ички ва/ёки ташқи текширувларни ўтказиш;

- Жамиятнинг Комплеанс хизмати ва бошқа таркибий тармоқларига юкланган коррупцияга қарши чораларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини назорат қилиш.

5.7.2 Коррупцияга қарши курашиш тизимининг мониторинг ва назорат қилиш бўйича тадбирларни якуни ва натижалари қуйидагиларда акс эттирилган:

- ҳар чоракда Бошқарув учун ҳисоботлар;
- Бошқарув, Кузатув кенгаши ва Акциядор учун йиллик ҳисоботлар;
- Бошқарув раисига ва/ёки Кузатув кенгашига тақдим этилган ички ва/ёки ташқи аудит натижалари тўғрисида ҳисоботлар.

5.7.3 Ҳисоботларнинг мазмуни Жамиятнинг ички қоидалари билан белгиланади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Жамият фаолиятининг асосий натижалари Жамиятнинг расмий Интернет-сайтида эълон қилиниши мумкин.

5.7.4 Жамият мунтазам равишда молиявий-хўжалик фаолиятининг ички ва ташқи аудиторлик текширувларини ўтказиши, шунингдек барча хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобида ақс этирилишининг тўлиқлиги ва тўғрилигини ҳамда амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини доимий равишда назорат қилиб боради.

5.8 Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш:

5.8.1 Жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойилини ҳисобга олган ҳолда, барча ходимлар ушбу Сиёсат, Коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа сиёсат ва тартиб-қоидаларга ва талабларига, шунингдек, амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликка риоя қилиш учун шахсан жавобгардирлар.

5.8.2 Жамиятда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ «Ишонч телефони»га ёки бошқа алоқа каналлар орқали ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги берилган хабарга, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги аниқланган фактлар бўйича Жамиятнинг ички-меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ички текширувлари ўтказилади.

5.8.3 Коррупцияга қарши курашнинг белгиланган тамойиллари ва талабларини ва Коррупцияга қарши курашнинг амалдаги қонунларини бузган ходимлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

5.8.4 Жамият Бошқаруви аъзолари, шунингдек унинг таркибий тармоқ (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар) раҳбарлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун ўзлари учун ҳам, уларни қўл остидаги шахслар учун ҳам жавобгардирлар.

5.8.5 Жамиятдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда уларни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилинади ва зарур бўлса доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тадбир ва тамойиллар такомиллаштирилади.

5.8.6 Жамият коррупциявий ҳаракатларни аниқлаш, текшириш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамиятнинг ходимига нисбатан санкцияларни қўллаш мақсадларида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Давлат органлари ёки муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

5.9 Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва тартиб-таомилларини таркибий тармоқларига етказиш

5.9.1 Жамият коррупцияга қарши курашнинг асосий тамойиллари ва талабларига унинг таркибий тармоқлари (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар)да риоя этилишини таъминлаш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади.

5.9.2 Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва тартиб-таомилларини таркибий тармоқлари (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқалар)га етказиш учун Жамият:

- Жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва Жамиятнинг Комплаенс хизмати билан ўзаро алоқада бўлиш учун масъул ходимларни тайинлаши мумкин;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича маълумот бериш, ўқитиш, хавф-хатарларни баҳолаш, шунингдек коррупцияга қарши кураш бўйича таркибий тармоқ (бошқарма, бўлим, хизмат, цех ва бошқа)лар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича улар билан тезкор маслаҳат ва ўзаро алоқаларни таъминлайди;

- Таркибий тармоқларда коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини вақти-вақти билан мониторинг қилади ва текширади, шунингдек таркибий тармоқларда коррупцияга қарши курашиш тизимини бутунича баҳолайди;

6 Коррупцияга қарши курашишнинг тартиб таомиллари

6.1 Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

6.1.1 Жамият ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва Жамият манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларни учун ўзларининг хизмат мавқеидан фойдаланмасликлари ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

6.1.2 Жамият манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш жараёни, уларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун масъул шахслар тартибини белгилайдиган манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати қабул қилинган. Хусусан, қуйидагилар назарда тутилган:

- ходимлар ишга қабул қилинишида, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;
- ротация ёки янги лавозимга тайинлаш пайтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида ҳар йили декларация қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотни пайдо бўлиши билан ошкор қилиш.

6.1.3 Жамият манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги барча эълон қилинган ва аниқланган вазиятларни Жамиятнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатида белгиланган тартибда ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

6.2 Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар

6.2.1 Тегишли эҳтиёткорлик тамойилига амал қилган ҳолда, Жамиятни ўзининг коррупцияга қарши тамойилларига қўшиладиган ва амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларига қатъий риоя қилган контрагентлар билан ҳамкорлик қилишга интилади.

6.2.2 Жамият ушбу Сиёсат тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловларни ва/ёки хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи, коррупция каби хавф-хатарни яратувчи таъминловчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи шахсларни (шу жумладан савдогарлар, савдо уйлари ва бошқаларни) жалб қилмайди.

6.2.3 Контрагентлар билан муносабатларда Жамият қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади. Танлашнинг ҳолис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очик ва шаффоф жараёнини ҳамда амалдаги қонунчиликга ва сотиб олинadиган маҳсулотнинг Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайди.

6.2.4 Жамият контрагент билан ўзаро алоқада/ҳамкорлигида:

- эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигини, ходимлар ва Жамият билан манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларнинг мавжудлигини текширади;
- эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагенти) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қилади.

6.2.5 Жамият, шунингдек, ҳар қандай юридик шахсларнинг улушини сотиб олганида ёки сотганида, қўшма корхоналарни тузишда ёки инновация лойиҳаларни молиялаштирганида, шунингдек, инвестиция ва инновация фаолияти доирасида контрагентларни текшириш тартибини қўллайди. Текшириш тартиб-таомиллари нафақат сотиб олиш мақсадини/шерикни/олувчини, молиялаштиришни, унинг эгаларини ва бошқарувини текширишни, балки ушбу Сиёсат ва амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларига битимнинг мақсади ва бажариш тартибини мувофиқлигини текширишни ҳам ўз ичига олади.

6.2.6 Жамиятда контрагентлар билан шартноманинг асосий матнига, унга қўшимчаларга киритилмаган ёки бошқа белгиланган шаклда тасдиқланмаган ва тасдиқлашдан ўтмаган, Жамият томонидан қабул қилинган келишув тартиб-таомилардан ўтмаган, ҳар қандай шартномаларни (ёзма ёки оғзаки) тузиш тақиқланади. Ҳар қандай тузилган битим томонларнинг барча шартлари ва битимларини тўлиқ ўз ичига олиши керак.

6.2.7 Контрагентлар томонидан коррупциявий ҳаракатларни амалга оширишга кўндириш ҳолатлари юзага келганда, ходимлар зудлик билан ўзларининг тўғридан-тўғри раҳбарларини, Комплаенс хизматига ёки Жамиятнинг ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари (шу жумладан, "Ишонч телефони") орқали хабардор қилишлари шарт.

6.3 Давлат органлари, корхоналар ёки муассасалар ва давлат мансабдор шахслари билан ўзаро алоқалар

6.3.1 Ходимларнинг давлат органлари, корхоналар ёки муассасалар ва давлат мансабдор шахслари билан ўзаро муносабатлари ушбу Сиёсатда, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартиб-таомиллар ва талабларга қатъий мувофиқликда амалга оширилади.

6.3.2 Жамият фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ноқонуний устунликларга эришиш мақсадида Жамият тўғридан-тўғри ёки воситачилар орқали давлат мансабдор шахслари ва/ёки уларнинг яқин қариндошлари фойдасига (шу жумладан уларнинг манфаатлари учун) ноқонуний тўловларни амалга оширмайди. Шу жумладан уларга пул мукофотлари бериш, шунингдек, бундай шахсларнинг дам олиш, транспорт, овқатланиш, кўнгил очиш, PR-кампаниялар учун харажатларини тўлаш, уларга кредитлар бериш, бепул хизматлар кўрсатиш ва бошқа мукофотлар бермайди.

6.3.3 Жамиятга нисбатан назорат, текширув - назорат функцияларини амалга оширувчи давлат мансабдор шахслари томонидан Жамият ходимларини коррупция ҳаракатларини содир этишга кўндириш ҳолатлари юзага келганда, Жамият ходимлари зудлик билан ўзларининг бевосита раҳбарларига, Комплаенс хизматига ёки ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари (шу жумладан, "Ишонч телефони"га), шунингдек тегишли давлат органи, корхона ёки муассасанинг "ишонч телефони"га ёки тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар беришлари керак.

6.3.4 Давлат мансабдор шахслари томонидан Жамиятга нисбатан назорат ва текширув-назорат тадбирларини ўтказиш тартиби бузилган тақдирда, Жамият давлат мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиш усулларида фойдаланади.

6.4 Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

6.4.1 Ходимлар ушбу Сиёсат, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тамойилларга ва талабларга тўлиқ риоя қилган тақдирда, иш жараёнида совғаларини бериш ва олиш, шунингдек кўнгилочар харажатларни амалга ошириш ва иш жараёнида меҳмондўстлигини қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.4.2 Ходимлар ўз вазифаларини бажариш пайтида берган ёки олган барча совғалар, шунингдек, улар ўтказадиган кўнгилочар харажатлар ва меҳмондўстлик қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- Жамиятнинг совғалари ва кўнгил очиш харажатлари бўйича Сиёсат билан белгиланган лимитлар доирада асосли, мутаносиб равишда амалга оширилган бўлиши керак;
- Жамият фаолиятининг қонуний мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлиши керак (масалан, анъанавий, миллий ва касб байрамлари доирасида амалга оширилади);
- нақд/нақдсиз пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти шаклида ифодаланмаслиги ва ҳашаматли бўлмаслиги керак;
- Жамият фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ноқонуний устунликларни олиш учун ноқонуний яширин мукофот бўлмаслиги керак;
- ҳар қандай совғани тақдим этиш ёки олиш ёки ўйин-кулги харажатларини амалга ошириш ёки ишбилармонлик меҳмондўстлигини қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилганда, Жамият учун обрў-эътибори учун хавф-хатарни яратмаслиги керак;
- ходимга совға берилган ёки унга нисбатан кўнгилочар харажатлар амалга ошириладиган ташкилотнинг ички талабларига жавоб бериши керак.

6.4.3 Иш жараёнида совғаларини бериш ва олиш, ишбилармонлик учун меҳмондўстлик ва кўнгилочар харажатлар билан боғлиқ қўшимча талаблар, рухсат этилган лимитлар Жамиятнинг совғалар ва кўнгилочар харажатлари тўғрисидаги Сиёсатда акс эттирилган.

6.5 Сиёсий фаолиятни молиялаштириш

6.5.1 Жамият сиёсий фаолиятни молиялаштирмайди ва бошқа йўл билан сиёсий ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар ва ташаббусларни, уларнинг номзодлари ва аъзоларини, сайлов ва ташвиқот кампанияларини ва бошқа сиёсий тадбирларни қўллаб-қувватламайди.

6.5.2 Шу билан бирга, ходимлар сиёсий фаолият билан шахсан шуғулланиш, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга, агар шундай иштирок қуйдаги шартларга жавоб берса:

- ушбу Сиёсатга, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмаса;
- ишдан бўш вақтларида ходимлар ҳисобидан амалга оширилса;
- Жамият ва/ёки унинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, Жамиятнинг обрўсига путур етказмаса ва Жамият учун ноқонуний устунликларни қўлга киритиш мақсадида амалга оширилмаган бўлса;
- ходимларнинг ўзларининг лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларига зид келмаса;
- Жамият сиёсий фаолият билан боғлиқ мақсадлар учун ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қоладиган бўлса, бундай ушланмалар фақатгина ходимнинг ёзма аризаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

6.6 Хайрия ва ҳомийлик

6.6.1 Жамият хайрия ва ҳомийлик фаолиятини ушбу Сиёсатда, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тамойилларга ва талабларга қатъий мувофиқликда амалга оширади.

6.6.2 Жамият томонидан тақдим этиладиган хайрия ва ҳомийлик ёрдами, хайрия ва жамоат ташкилотлари ва фондларини, ижтимоий объектларни ва аҳолининг айрим гуруҳларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилади ва ҳар қандай пул олиш учун яширин ноқонуний мукофотни ташкил этмайди. Жамият фаолияти билан боғлиқ ноқонуний устунликларни бермайди.

6.6.3 Жамият тақдим этилаётган хайрия ва ҳомийлик ёрдамидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади, шунингдек расмий Интернет-сайтида кўрсатилган ёрдам ҳақида асосий маълумотларни эълон қилади.

6.6.4 Жамиятнинг хайрия ва ҳомийлик ёрдами йўналишлари/мақсадлари, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби Жамиятнинг хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги сиёсатида акс эттирилган.

6.6.5 Шу билан бирга, ходимлар ушбу Сиёсатнинг 6.5.2-бандида кўрсатилган шартларни ҳисобга олган ҳолда хайрия ва ҳомийлик фаолияти билан шахсан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

6.7 Кадрларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

6.7.1 Жамият ходимларини танлаш, уларни фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келади.

6.7.2 Жамият коррупциявий ишларда қатнашган ёки Жамият томонидан белгиланган ахлокий тамойилларга ва/ёки ушбу Сиёсат талабларига зид келадиган бошқа ишларда қатнашган шахслар билан меҳнат муносабатларини ўрнатишга интилмайд.

6.8 Ҳисобни юритиш

6.8.1 Жамият бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ва ҳисоботлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талабларига риоя қилади.

6.8.1 Жамият барча молия-хўжалик муаммоларини бухгалтерия ҳисобида ҳаққоний, лўнда ва етарли даражада батафсил ҳужжатлаштирилишини, шунингдек текширувга тақдим этилишини таъминлайди, Жамиятда бухгалтерия ҳисобида акс этмайдиган ва/ёки муомалани ноаниқ ифодаловчи, ҳужжатлар ва муомалалар юритилмайд.

6.8.3 Жамиятда бухгалтерия ҳисоби, бошқарув, солиқ ҳисоботларини, бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига ноқонуний тузатишлар киритиш, уларни бузиш ёки қалбакилаштириш, йўқ қилиш, етарли даражада деталлаштирмаслик, пул оқимларининг коррупцион йўналишларини яшириш тақиқланади.

6.8.4 Ички меъёрий ҳужжатларга ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Жамиятда тўлиқ ва ишончли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун шахсан жавобгар бўлган ходим тайинланган.

7 Қонда бузарликлар тўғрисида хабардор қилиш

7.1 Жамият ходимлари, контрагентлари ва бошқа шахслар, агар улар Жамият ходимларининг ҳаракатларининг қонунийлиги, тўғрилиги ёки ахлоқга мувофиқлигига гумон қилса, шу жумладан коррупция ҳаракатларида шубҳа мавжуд бўлса, улар ахборот каналларининг қуйидагиларидан бири орқали хабар беришлари керак:

- + 998(78) 1507783 телефон орқали;
- Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий сайтида жойлаштирилган шакл орқали;
- бевосита раҳбарга (фақат Жамият ходимларига тегишли);
- тўғридан-тўғри Комплаенс хизматиغا;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

7.2 Жамият Коррупция ҳаракатлари тўғрисидаги барча хабарларни, Жамиятнинг ички

меъёрий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

7.3 Аноним равишда юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Аммо, бундай ҳолатда, номини сир сақламоқчи бўлган ариза берувчи қуйидагиларни тан олади:

- Жамият ариза берувчидан қўшимча маълумот олиш ва қабул қилинган хабар бўйича жавоб бериш учун мурожаат қила олмайди;
- Агар тақдим этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса, Жамият зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

7.4 Жамият, шу жумладан коррупция ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш учун масъул бўлган ходимлар, ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида, коррупция ҳаракати тўғрисида ишончли маълумот тақдим этган шахснинг махфийлигини таъминлайди (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

7.5 Жамият ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, Жамиятнинг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида ишончли хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

7.6 Қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиш, ёлғон гувоҳлик бериш ёки тухмат қилиш ушбу Сиёсатни бузилиши ва ахлоқсиз ҳуқ-атворнинг намунаси сифатида қаралади, бундай маълумот тақдим этган ходим эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

8 Ходимларга маслаҳат бериш

8.1 Агар ходимларда Коррупцияга қарши курашнинг амалдаги қонунчилиги талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки Жамиятнинг бошқа коррупцияга қарши чора-тадбирлари ва тартиб-таомилари билан боғлиқ ҳар қандай савол бўлса, улар бевосита раҳбарларига ва/ёки Комплаенс хизматига мурожаат қилишлари мумкин.

9 Ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1 Ушбу Сиёсат доимий амал қиладиган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, у Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилингунига қадар ёки янги тахрири тасдиқлангунига қадар амал қилади.

9.2 Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

- коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда ва/ёки илғор халқаро амалиёти ўзгартирганда;
- коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва Жамият фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ўзгартирганда.

9.3 Ушбу Сиёсатга ўзгартиришлар киритиш зарурлигини назорат қилиш мақсадида Жамиятнинг Комплаенс хизмати бошлиғи ва Юридик бўлим бошлиғи ушбу Сиёсатни йилига камида бир марта Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги илғор халқаро амалиётига мувофиқлигини кўриб чиқадиладар, шунингдек, Жамиятнинг фаолияти ва агар керак бўлса, Жамият Бошқаруви кўриб чиқиши учун тақдим этилган Сиёсатнинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлайди.

9.4 Мазкур Сиёсатга ўзгаришлар ва қўшимчаларни Жамиятнинг Бошқарув раиси буйруғи билан амалга тадбиқ этилади.

[illegible]